

## Бемор одам қандай намоз ўқийди? | Фикҳ дарслари (244-дарс)



19:00 / 25.08.2023 2714

Агар беморлик туфайли тик туриб намоз ўқиш имкони бўлмаса ёки тик турса беморлиги зиёда бўлиш хавфи бўлса, тузалиши орқага сурилса, тик турганда шиддатли алам бўлса ёхуд боши айланса, ўтирган ҳолда рукуъ ва сажда қилиб намоз ўқийди.

Бу ҳукмга далил қуйидагича:

يَضْرِبُ نِيَّ صُحْبٍ نَبَنَ أَرْمَعُ نَع  
يَبُتْنَاكَ: لَأَقُ هُنَّ هَلْ لَأ  
يَبْنَلْ أَلْ أَسَفُ، رِي سَأَوَب  
نَعَمَّ لَسَوِ هَيْ لَعُ هَلْ لَأ يَلَّ ص  
، أَمَّيْ أَلَّ ص «: لَأَقُ فِ، هَلَّ ص لَأ

أَدِعْ أَقْفَ عَطْتِ سَتِّ مَلِّ نِإْفِ،  
يَلَعَّ فِ عَطْتِ سَتِّ مَلِّ نِإْفِ  
إِلْإِةِ سَمَّخُلْ أَوْرِ. «بُنَجِ  
أَمَلْ سُمِّ.

Имрон ибн Хусойн розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

**«Менинг бавосирим бор эди. Бас, Набий соллаллоху алайҳи васалламдан намоз ҳақида сўрадим. У зот:**

**«Тик туриб ўқи. Агар қодир бўлмасанг, ўтириб ўқи. Агар қодир бўлмасанг, ёнбошлаб ўқи», дедилар».**

*Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.*

**Агар рукуъ ва сажда ҳамда қиём узрли бўлиб қолса, ўтиришга қодир бўлса, ўтириб, боши билан имо қилади.**

Ўрnidан туриб намоз ўқий олмайдиган одам ўтирган ҳолида рукуъ ва сажда қила олмаса, ўтирган ҳолида имо билан намоз ўқийди.

**Тик туришга қодир бўлиб, рукуъ ва сажда қилиш узрли бўлиб қолса, ўтириб имо қилиш маҳбубдир.**

Рукуъ ва сажда қила олмаса-ю, тик туришга қодир бўлса ҳам, ўтириб, имо билан намоз ўқийди.

Ўтирган ҳолда имо билан намоз ўқиш тик туриб имо билан намоз ўқишдан яхшидир. Чунки ўтирганда ерга яқин бўлади. Имо билан намоз ўқиган одам

**Саждасини рукуъсидан пастроқ қилади.**

Чунки аслида ҳам сажда рукуъдан паст бўлади.

**Сажда қилиш учун бирор нарсени кўтармайди.**

نَعَّيْقَهْ يَبْلَاوُ رَا زَبْلَا يَوْر  
هَنْعُ هَلْ لَا يَضَرَّ رِبَاج  
رَمْعَنْ بَانَعُ يِنَا رَبُّ طَلَاو  
يَبْنَلَا نَأْ : أَمْ هَنْعُ هَلْ لَا يَضَرَّ  
دَاعَمْ لَسَوِ هَيْلَعُ هَلْ لَا يَلَّص  
يَلَعُ يَلَّصُ يْ هَارْفُ ، أَضِي رَم  
، اِوَبُ يَمَرْفُ اَهْدَخْ أَفْ ، اِدَاسُ و  
اَدُوعُ - ضِي رَمْلَا يَا - دَخْ أَفْ  
اهْدَخْ أَفْ ، هَيْلَعُ يَلَّصُ يَل  
يَلَعُ لَّصُ « : لَاقَوِ ، اِوَبُ يَمَرْفُ  
اَلْاَوِ ، تَعَطَّتْ سَا نَا ضُرَّالْا  
لَكْ دُوجُ سْ لَعْجَاوِ ، اَمَّ يَلْ مَوْأَفْ  
« لَكْ عَوْكُرْ نَمُ ضَفْخْ أْ .

Баззор ва Байҳақий Жобир розияллоҳу анҳудан, Табароний Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир беморни кўргани бордилар. Унинг болиш устига намоз ўқиётганини кўриб, уни олиб, отиб юбордилар. У - яъни бемор - бир чўпни олиб, ўшанга сажда қилмоқчи бўлди. Ул зот уни ҳам олиб, отиб юбордилар ва: «Агар қодир бўлсанг, ерга сажда қил. Бўлмаса имо қил. Саждангни рукуъингдан пастроқ қил», дедилар».**

Имо билан намоз ўқувчи бир нарсага бошини эгиб, пешонасини қўйиб сажда қилса дуруст. Аммо бошини эгмасдан, ҳалиги нарсани пешонасига олиб бориб теккизса бўлмайди.

**Агар ўтиришга ҳам қодир бўлмаса, қиблага юзланган ҳолда, ёнбошлаб ёки чалқанча тушиб ўқийди.**

Чалқанча тушганда оёғини қиблага қаратиб, тиззаларининг остига бирор нарса қўйиб, бир оз кўтариб қўйилади. Шунда қиблага оёғини чўзмаган бўлади. Бошининг остига ёстиқ қўйиб, юзи қиблага қаратилади.

**Чалқанча ҳол яхшироқдир.**

Шунда имоси Каъба тарафга бўлади.

**Имо бош билан бўлади.**

Қош ёки кўз билан бўлмайди.

**Агар бош билан имо қилиш ҳам узрли бўлса, кечга суради.**

Аммо намоз соқит бўлмайди. Қодир бўлганда унинг қазосини ўқиб беради. Агар ўша беморликдан тузалмай вафот қилса, афв қилинади. Фидя бериш ҳам лозим бўлмайди.

**Имо қилаётган одам намоз ичида тузалиб қолса, намозни янгитдан ўқийди.**

Шунингдек, ёнбошлаб ўқиётган одам ўтиришга қодир бўлиб қолса ҳам, намозни ўтирган ҳолда янгитдан бошлайди.

**Ўтирган ҳолда рукуъ ва сажда ила намоз ўқиётган одам намоз ичида тузалиб қолса, тик турган ҳолда давом эттиради.**

**Юриб бораётган кемада узрсиз ўтириб намоз ўқиса, тўғри бўлади.**

Агар кема кичик бўлиб, унда бош айланиши ва турғунсизлик муҳаққак бўлса, ўтириб намоз ўқиш жоиз. Аммо кемада тик туриб ўқиш имкони бўлса, тик туриб ўқиган афзал.

نَا ۞ مَكْأَحْلَاو ۞ يَنْطُقَرَادِلَا ۞ يَوْر  
هَيَلَعُ هَلَلَا ۞ يَلَصَّ ۞ يَبَّنَلَا  
يَلَصُّ أْفِيكَ ۞ لِيُسَّ ۞ مَلَسَّو  
لِقَافٍ ۞ نِيَفُّسَلَا ۞ يَف  
فَأَخَاتُ نَا ۞ أَلَا ۞ أَمِّيَأَقَّ ۞ لَصَّ  
«قَرَعَلَا».

Имом Дора Қутний ва Ҳоким қилган ривоятда айтилишича:

**«Набий алайҳиссаломдан:**

**«Кемада қандай қилиб намоз ўқийман?» деб сўралди.**

**«Тик туриб ўқи, ғарқ бўлишдан қўрқсанггина (ўтириб ўқи)», дедилар».**

*Боғланган кемада тўғри бўлмайди.*

Яъни боғланган кемада узрсиз ўтириб намоз ўқиш тўғри эмас. Чунки одатда боғланган кемада бош айланмайди ва тик туриш қийин бўлмайди.

**Илло, узр бўлса, тўғри бўлади.**

Яъни боғланган ҳолда ҳам кема қаттиқ чайқалиб турган бўлса, унда ўтириб намоз ўқиш тўғри бўлади.

## **«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.